SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 35
(6187)
2025-yil
5-sentyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ, ИЛК ҲАЯЖОН

Сешанба куни туманимиздаги барча мактабларда янги – 2025-2026 ўқув йилининг бошланиши олдидан биринчи қўнғироқ тадбирлари бўлиб ўтди. Тадбирларда туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, депутатлар, фахрийлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

2



▶ *Янги ўқув йили бошланди*



Абдулла Қаҳҳор

Сен ҳозир генерал бўлмасдан ҳам генераллик иззат-ҳурматини кўришинг мумкин Бунинг учун ёшларнинг ғайратини тан олишинг, ёшларнинг елкасига қоқишинг керак.



ЙИРИК ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Туман ҳокими Эркин Рустамов, туман ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари Турғун Болиқулов ҳамда коммунал соҳа ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳорижлик ҳамкорлар билан муҳим учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида “WB INT EXPORT” МЧЖ Россия корхонасининг ҳамкорлигида “Боғзор” ҳудудида янги логистика маркази ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур лойиҳа туман инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт-логистика хизматлари сифатини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экспорт фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шу муносабат билан туман бўлимлари, коммунал соҳа вакиллари ва тегишли ташкилотлар томонидан зарурий ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.



ISTIQBOL

2025-yil 5-sentyabr / Juma / № 35 (6187)

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ШУКУҲИ

Республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби туманимизда ҳам Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун” шиори остида зўр шоду хуррамлик, кўтаринки руҳда нишонланди.



Байрамона безатилган туман марказий боғида туман тадбиркорлари томонидан ташкил этилган кўргазмалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ёзилган тўкин дастурхон, туман мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ўқувчиларнинг қўл меҳнати билан тайёрланган ҳунармандлик буюмлари, кутубхоначилар томонидан намойиш этилган китоблар кўргазмалари кабилар қарамаган одамни ҳам ўзига қаратди. Меҳмонлар туман Тиббиёт бирлашмаси томонидан тайёрланган шифобахш гиёҳлар дамламаларидан баҳраманд бўлдилар.

Бир ёнда спортчиларнинг кўргазмали чиқишларию бир ёнда ижро этилган ўланлар байрам файзига файз қўшди.

Байрамга таклиф этилган туманда узоқ йиллар турли масъул лавозимларда ишлаган фахрийлар, фаоллар амфитеатрда жам бўлдилар. Амфитеатр туманнинг турли ҳудудларидан келган ёшу қари билан тўлиб-тошди.

Байрамни туман ҳокими Эркин Рустамов кириш сўзи билан очаркан, барчани энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги билан табриклаб, ўзининг самимий тилакларини билдирди.

Туман Маданият бўлимининг хушовоз хонандалари, Абдурашид Йўлдошев, Даврон Эргашев, Имрон, Аваз-бек Олимов каби бир қатор таниқли, эл суйган санъаткорлар томонидан ижро этилган қўшиқлар барчани рақсга чорлади.

Шу куни дилтортар қўшиқлар туман марказини узоқ жаранглатиб, бу байрам барчамиз учун нақадар азиз ва улуғ эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Байрам сўнгида туман маркази ранго-ранг мушаклар билан янада ёришиб, дилларга ўзгача шукуҳ бағишлади.





– Бу байрам ҳаётимда энг унутилмаси бўлиб қолди, – дейди назарбеклик Гулсара Қаюмова, – Давлатимиз турмуш ўртоғим марҳум Муҳриддин Ҳолиқовнинг хизматларини юксак баҳолаб, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирлади. Шундай – инсон у хоҳ ҳаёт, хоҳ орамизда йўқ бўлсин, унинг қадри, хотираси шунчалик эъзозланаётган, қилган меҳнатлари эътироф этилаётган юртда яшаётганимдан ҳам фахрландим, ҳам шукроналар айтдим. Мени бугунги байрамга алоҳида таклиф этишганлиги эса юрагимни янада тўлқинлантириб юборди. Бунинг учун раҳбариятга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бу каби миннатдорчилик сўзларини эса байрамда иштирок этаётган ҳар бир одамнинг юз-кўзидан илғаб олиш қийинмасди.

Юракларни чексиз ҳиссаяжон, ширин туйғулар, шукроналикка тўлдириб, шу юрт учун ёниб яшашга илҳомлантирган байрам тантаналари туман марказидан маҳаллаларга кўчиб, барчага қувонч улашишда давом этди.

Жамила АРСЛОНОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ, ИЛК ҲАЯЖОН



38-мактабда бўлиб ўтган тадбирда иштирок этган туман ҳокими Эркин Рустамов ўқитувчи ва ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклаб, ўқиш ва ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилади.

14-мактабда бўлиб ўтган тадбирда иштирок этган шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, мактабга қўшимча бино қуриб берган тадбиркор, яқинда “”Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган Юсуфбек Зоитбеков ўқувчиларга Президент совғаларини топширар экан, уларни яхши баҳоларга ўқиб, келгусида юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишларига тилак билдирди.

Фаробий номли маҳаллада бу йил янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган 528 ўринли 24-мактабга илк бора қадам қўйган ўқувчиларнинг севинчи ўзгача эди. Энди улар бир пайтлардагидек қўшни маҳаллалар ёки шаҳардаги мактабларга бориб ўқишмайди. Барча шарт-шароитлар яратилган янги мактабда уларга саралаб олинган 24 нафар ўқитувчи пухта билим бера бошлади.

Шундай қилиб барча мактабларда биринчи қўнғироқ жаранглаб, ўқувчиларни янги таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланган синфхоналарга чорлади. Уч ойлик таътилда ўқишни, устозларини соғиниб қолган ўқувчиларнинг қувончи чексиз эди. Айниқса, бу ўқув йилида 1-синфга илк бор қадам қўйган 3646 нафар кичкинтойнинг ҳаяжонлари ниҳоятда чексиз, таассуротлари бир умр унутилмас бўлди. Уларга давлатимиз раҳбари номидан ўқув қуроллари-дан иборат “Президент совғалари” топширилди.

Шу куни биринчи дарс “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида “Келажак соати” деб номланди. Унда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги, бундай ғамхўрликка яраша фақат “яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқиш зарурлиги ҳақида гап борди.

Шу куни туманимиз мактаблари 31 минг 333 нафар ўқувчининг шодон ва бахтиёр кулгулари билан тўлиб-тошди. 27, 43-мактабларга қуриб берилган қўшимча ўқув биносида ўқишни бошлаган ўқувчиларнинг қувончлари эса янада бошқача эди.

Жамила АМИРОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

► *Хабарлар*

САЁҲАТ – РОҲАТ БЎЛДИ

Юртимизда тарихий обидалар бисёр. У ерларга борган одамнинг яна боргиси келаверади. Чунки республикамиз вилоятлари кун сайин ўзгариб, ўзгача кўриниш касб этмоқда, уларнинг бағридаги тарихий ёдгорликлар янада виқорли кўриниш касб этмоқда.

Бу жойларга борган киши ҳар сафар ўзгача таассуротлар, шундай обод ва озод юртда яшаётганига шукроналик билан қайтади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Зангиота қишлоғилик бир гуруҳ фаол аёлларнинг Самарқанд ва Бухорога қилган саёҳати ниҳоятда кўнгилли ва таассуротларга бой бўлди.

ЭНДИ МЕҲМОН АДАШМАЙДИ

Энди “Чинор” маҳалласини излаб келаётган меҳмон адашиб Бўзсув томонларга кетиб қолмайдиган бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини ва фаоллар бошчилигида “Чинор” маҳалласига кириш дарвозаси қурилди. Бу эса маҳаллага янада ўзгача кўрк бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

ISTIQBOL
2025-yil 5-sentyabr / Juma / № 35 (6187)

Маълумки, Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами арафасида Тошкент вилоятида ўзининг ишбилармонлик ва ташаббускорлик фазилатлари билан тадбиркорлик соҳасида инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб келаётган, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришаётган, аҳоли учун кўплаб қулай шароит ва имкониятларни яратишда бошқаларга алоҳида ибрат ва намуна бўлаётган бир гуруҳ тадбиркорлар Давлатимизнинг юксак унвонлари билан тақдирланган эдилар.



► *Эътироф*

ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Улар орасида тумандошларимизнинг ҳам борлиги байрам қувончига қувонч қўшди. Жумладан, – “Toys Uz” MChJ ” МЧЖ раҳбари Аъзамов Ҳамидулла Атовуллаевич, “Lider Kabel Group” МЧЖ раҳбари Зоитбеков Юсуфбек Қудратбек ўғли, “Farm Diyor” МЧЖ раҳбари Каримбаев Хурсанджон Дадажонович “Меҳнат шуҳрати” ордени билан, “Technologies of Real Time”” МЧЖ таъсисчиси. Акрамов Мурод Икрамович “Шуҳрат” медали билан тақдирланган эдилар. Шу муносабат билан туманимиз прокурори Алишер Жўраев тадбиркорлар ҳамда уларнинг вакилларига Тошкент вилояти прокурорининг байрам табригини тақдим этиб, уларнинг келгуси фаолиятида улкан зафарлар тилади.

Туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлар ҳам эътибордан четда қолишмади. Уларнинг бир гуруҳи туман ҳокими Эркин Рустамовнинг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди. Улар орасида турли соҳа вакиллари – таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда маҳалла фаоллари бор.

Ўз мухбиримиз.

► *Ҳунармандчилик*

Ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни меҳнатга ва санъатга қизиқтиришдек улуғ мақсад ётади. Ҳунармандчиликка бериладиган кредитлар ҳажми оширилгани, шунингдек, ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашига кенг шароитлар яратилаётгани бунинг яққол исботидир. Шу каби имкониятлар туфайли Ўзбекистонда асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий ҳунармандчилик бугун янги босқичга кўтарилди. Зеро, ҳунар нафақат иқтисодий манфаат, балки миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз ва маънавий бойлигимизни намоён этувчи бебаҳо меросдир.

ОДДИЙ ЁҒОЧДАН *санъат асари*



Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос ҳунармандчилик мактаблари шаклланган. Самарқандниng заргарлик буюмлари, Бухоронинг гиламлари, Хиванинг ёғоч ўймакорлиги дунёга машҳур. Бугун эса бу санъат турлари нафақат музейлар ва кўргазмаларда, балки оддий мактаб устахоналарида ҳам қайта тикланмоқда.

Қаҳрамонимиз Суннатилла Раҳматуллаев шундай фидойи устозлардан биридир. У туманимизнинг 14-мактабида ўқувчиларга ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргатиб келмоқда.“Мен дастлаб миниатюрачи рассом сифатида фаолият бошладим. 12 йил давомида миниатюра санъати билан шуғулландим. Бу жараёнда зардўз, наққош ва бошқа касбдошларимнинг ижодий ишларидан илҳомландим. Ҳозир эса ёғоч ўймакорлигида ўз тажрибамни қўллаяпман. Менинг энг катта бойлигим – санъат асарларим. Улардан айримлари бугун музейлар ва чет эллардаги кўргазмаларда ўрин олгани мени фахрлантиради,” – дейди уста ҳунарманд.

2015 йилдан буён мактабда ўқувчиларга Суннатилла ака учун дарс бериш – нафақат ўқувчиларга билим бериш, балки ўзи учун ҳам илҳом манбаи. Унинг ташаббуси билан мактабда махсус ёғоч ўймакорлиги тўгараги ҳам йўлга қўйилган.

– Одамнинг ўз қўли билан яратилган буюмнинг қадри бошқача бўлади,– дейди устознинг шогирдларидан бири Миркомил Маҳкамов.

У уч йилдан бери Суннатилла акадан ҳунар сирларини ўрганиб, бугунга келиб моҳир уста бўлиб етишди. “Оддий ёғочдан нақшли қутича яратиш жараёни 10–15 кунлаб меҳнат талаб қилади. Аммо натижада юзага келган асарнинг қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бунинг завқи бошқача,” – дейди Миркомил.

Ҳақиқатан, устоз ва шогирднинг қўли билан яратилган ёғоч буюмларнинг нафислиги, чиройли нақшлари кишини беихтиёр ҳайратга солади.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳунар ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Таълим муассасаларида ташкил этилган тўгараклар, давлатнинг молиявий кўмаги ва устозларнинг сабр-бардоши натижасида юзлаб, минглаб ёшлар қўшимча касб-ҳунар эгалламоқда. Суннатилла Раҳматуллаевнинг сўзлари билан айтганда: “Ҳунар ўрганиш олтин топишдан афзал.”

Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир ёшнинг ҳунарга интилиши, миллий меросимизни асраб-авайлаши ва уни давом эттириши энг катта ютуқдир. Миллий ҳунармандчилик – бу фақатгина касб эмас, балки маданиятимиз, қадриятларимиз ва миллий ўзлигимизни акс эттирувчи бой меросдир. Суннатилла Раҳматуллаев каби устозлар ва уларнинг шогирдлари ана шу меросни давом эттираётган фидойи инсонлардир. Давлат томонидан яратилаётган имкониятлар эса бу жараённи янада кенгайтириб, ҳунармандчиликни келажак авлодларга ишонч билан топширишимизга хизмат қилмоқда.

Ирода АБДАЗИМОВА.

► *Хабарлар*

УНУТИЛМАС КУН

"М.М.Хоразмий" маҳалласида Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан байрам дастурхони ёйилди. Уч авлод вакилларини жамлаган байрам кечаси ўзига хослиги билан ажралиб турди. Негаки, байрам арафасида маҳалланинг бирданига уч фуқароси давлат мукофотига сазовор бўлганлиги унутилмас воқеа бўлди.

Байрамда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган Хамидулла Агзамов, Хурсанджон Каримбоев, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланган марҳум Муҳриддин Ҳолиқовларнинг номлари фахр ва ифтихор билан тилга олинди.

Фахрийлар дастурхон атрофида дилдан суҳбатлашиб, фуқароларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликларни алоҳида эътироф этишиб, шукроналар келтиришди.

А.ҒИЁСОВА.

ДИЛЛАРДАН ТИЛЛАРГА КЎЧГАН ШУКРОНАЛИК

“Эркин” маҳалласидаги 1127 та хонадонда 6000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар байрамни ўз тураржойларини янада обод ва кўркам қилган ҳолда кутиб олдилар.

Фуқаролар йиғини раиси Абдураҳим Абдураҳмонов ҳар доимгидан ҳам ўзгача чирой очган гузарда маҳалланинг нуронийлари ва Ижтимоий реестрда турувчи оилаларга байрам дастурхони ёзиш ишларига бош-қош бўлди. Бир пиёла чой устидаги суҳбат қизигандан-қизиди, дилларлардаги шукроналик тилларга кўчди.

Ж.АМИРОВА

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Байрам арафасида саховат ишлари янада кенг қулоч ёйди.

Туман ҳокимлиги, вилоят “ВАҚФ” хайрия жамоат фонди, туман “Нуроний” жамғармаси ходимлари ва саховатпеша инсонларнинг совғалари Зангиота қишлоғидаги ижтимоий ҳимояга мухтож 120 нафар болажонларга етказилди. Мактаб формаси ва ўқув анжомлари олган болаларнинг қувончи чексиз бўлди.

Н.АҲМЕДОВА.

ФУТБОЛ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан Фаробий номли маҳалла ёшлари ҳамда “Tom Education” ўқув маркази ёшлари ўртасида “Озод юрт фарзандларимиз” шиори остида мини футбол спорт мусобақаси ўтказилди.


Мусобақада нафақат ёшлар, балки маҳалла раиси И.Ибрагимов ва нуронийлар ҳам фаоллик кўрсатдилар. Мусобақада ғолиб бўлган жамоаларга Зангиота тумани спорт бўлими томонидан эсталик совғалари топширилди.

Д.ҚУРБОНОВА.

Ҳар йили шу бўлар такрор: бу йил ҳам мактабларда биринчи қўнғироқ чалиниб, ўқувчиларни синфхоналарга чорлади. Мана, 34 йилдирки, бу қўнғироқ ўзгача жаранг сочмоқда...

► *Шукроналик*

НАМАНГАНЛИК МЕҲМОН ҳайрати



Дўстим мени йўқлаб келибди. Дийдор ширин. Қучоқ очиб кўришдик. Хурсанд бўлдим.

–Уйингизни аранг топиб келдим, – деди у, – туман маркази таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Қад кўтарган ҳашаматли тураржойларни айтмайсизми? Шаҳардан ҳеч қолар жойи йўқ.

– Тўғри айтасиз, – дейман фахрланиб, – булар мустақиллигимизнинг мевалари.

– Бизнинг Наманганимиз ҳам гуллаб-яшнаяпти. Борсангиз ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Бир пиёла чой устида қурган суҳбатимиз қўр олгандан олди...

Истиқлол! Мустақиллик! Бу қиёси йўқ, қадри баланд неъмат. Юраклардан абадий жой олган ҳақиқат. Халқимиз кутган асрий орзу. Бир сўз билан айтганда, ҳар биримиз учун азиз ва муқаддасдир. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Истиқлол йўлида ота-боболаримиз жонларини фидо қилганлар. Жон олиб, жон бериб курашганлар қанча?! Бу орзуга эришиш бизга насиб этди. Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилинган кун ҳар биримизга олам-олам завқ бағишлади. Буларни сўз билан таърифлаш қийин.

1991 йилнинг 31 августида мамлакатимиз мустақилликка эришди. Истиқлолнинг илк кунлари ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлганлиги билан ёдда қолди.

Мени тўлқинлантириб, бир умр қалбимга муҳрланиб қолган ўша тонг ҳануз эсимда. Барча жойда бўлгани каби туман марказидаги 13-мактабда (аввалги 45-мактаб) ҳам янги ўқув йили бошланаётганди. Устозлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари мактабда жам бўлишган. Мактаб директори Тоҳир ака Тоиров қувончини ичига сиғдиролмай йиғилганларга мурожаат қилди. “Азиз болаларим, болажон фидойи ҳамкасбларим, – дея ўз сўзини бошлади директор, – ҳаммангизни юртимизнинг мустақилликка эришгани билан чин юракдан муборакбод этаман...”

Бу кўз ёшларга тўла, олқишларга бой кун сифатида қалбларга муҳрланиб қолди. Шу кун Истиқлол шарафларга кўмилиб шарафланди. Кўп куттирмай истиқлол тонгининг илк қўнғироғи жаранглаб, ўқувчиларни синфхоналарга чорлади. Биринчи дарс мустақиллик дарси бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Ўшанда 1-синфга чиққан жажжи болакайлар бугун набиралик ҳам бўлишди. Афсуски, уларга сабоқ берган устозлар энди орамизда йўқ. Аммо улар ўқувчилари, шогирдлари хотираларида яшайди.

Шу ўринда мен шахсан таниган, суҳбат қурган, ўз касбини жондан севган устозларни хотирлаб, номларини тилга олдим. Булар: Тоҳир Тоиров, Носир Бекмирзаев, Латиф Шарипов, Нодира Жўрабоева, Муборак Исмоилова, Эргаш Ғуломов, Қобил Мўминов, Раҳим Муллажонов, Раҳим Каримов, Турсуной Саидазимова, Ҳалима Муродова, Музаффар Зуфаров, Зуҳра Ражабова каби машъал зиёкорлардир.

Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади Хадисда. Биз Соҳибқирон Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ал-Хоразмий, Улуғбеклар авлодлари эканлигимиздан фахрланамиз. Боболаримиз руҳи ҳаққи Истиқлолимизни куйлаб ўтамиз, уни мустаҳкамлаш, дунёга шон-шуҳратини ёйишда жонбозлик кўрсатамиз.

Мамлакатимиз, унинг ютуқлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Буюк ўзгаришларни ҳар қадамда кўриб турибмиз.

Кўнглимдан тўкилганларни шу ерда муҳтасар қилмоқчи эдиму, аммо улуғ ёшда бўлганлигим сабабли нуроний отахон ва онахонларга кўрсатилаётган меҳр-оқибатдан бир чимдим келтириб ўтишни лозим топдим.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Зангиота тумани бўлими раиси Облоқул Жўраев кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан бошлари осмонга етаётганини мамнуният билан тилга олди.

– Қаранг, – дейди нуронийлар сардори,– ҳокимлик ва бошқа мутасадди ташкилотлардан кўрсатилаётган меҳр-оқибатни айтмасак адолатдан бўлмайди. Мана, чиройли “Нуронийлар маркази” қуриб беришган. Бу ер ёши улуғлар билан гавжум. Турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, ёши улуғлар ўзларига кўрсатилаётган эътиборни мамнуният билан қабул қилиб, дуо қиладилар...

Ҳа, раис таъкидлаганидек, нуронийлар ҳаётларилан рози бўлиб яшаш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаоллар. Ёшларни истиқлол ғоялари асосида тарбиялашни ўзларининг шарафли бурчлари деб билиб яшамоқдалар.

Намангандан келган меҳмонга қалбимдаги бу гапларни тўкиб солдим, туманимиз тобора шаҳар қиёфасини олаётгани, барча қишлоқларда ҳар йили ўнлаб осмонўпар бинолар қурилаётгани, тадбиркорлик ривожланаётгани, барча соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилаётганини тўлиб-тошиб гапирдим, Зангиота зиёратгоҳига олиб бордим. Меҳмон бир пайтлар бу ерга келганида зиёратгоҳ кўримсиз аҳволда эди. Унинг ҳозирги қиёфасини кўриб ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

Ҳа, Мустақиллик ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар ясадики, уни қоғозга битиб ҳам, тугатиб ҳам бўлмайди.

Мурод БОТИРОВ,
фахрий журналист,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

► *Маҳалламиз фахрийлари*

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ



Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор” деган ибратли ҳикмат бор. Дарҳақиқат, кексалари бор хонадонда қувонч, файз, барака ва хотиржамлик ҳукм суради. Нуронийларимизнинг ҳар бир сўзи – тажрибадан тўкилган донолик, ҳар бир ўгитлари – ҳаёт мактаби. Шундай эл-юрт ҳурмати ва эътиборига сазовор, ибратли нуронийларимиздан бири – Муаттар буви Якубжановадир.

Муаттар буви бутун ҳаётини юрт ва халқ хизматига бағишлаган, илм-маърифатга ташна ёшларни илм олишга ундаган, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этган инсон сифатида эъзозланади. У ёшлигидан илм излаб, театр журналистикаси йўналишида ўқиб, йиллар давомида телевидениеда хизмат қилди. Кейинчалик Тошкент вилояти маданият бўлимида самарали фаолият юритиб, халқ орасида обрў-эътибор қозонди. Шу фидойилиги боис Муаттар опа ўзи яшаб келаётган “Навқирон” маҳалласига раислик лавозимига сайланди ва бу масъулиятли вазифани 18 йил давомида сидқидилдан адо этди.

У раислик қилган даврда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди, кўчалар номлари янгиланди, маҳалла идораси қайта қурилди, йўллар асфальт қилинди, сув қувурлари тортилди. Маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, ҳашарларда фаол иштирок этди, байрамларни кенг нишонлаш одатга айланди.

Муаттар бувининг меҳнатлари изсиз кетмади. Бугун у маҳалладошлари орасида иззат-ҳурматда.

– “Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, байроғимиз ҳилпираб, халқимизнинг кўнгли шод бўлсин. Она Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида барака, файз, тотувлик ва меҳр-оқибат ҳукм сурсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин, фарзандларимиз илмли, комил, ватанпарвар бўлиб вояга етсин”, – деб дуо қилади Муаттар буви.

Муаттар буви каби фидойи инсонлар ҳаёти, фаолияти, меҳрибонлиги ва ватанпарварлик туйғуси ёшларга куч, сабоқ ва илҳом беради.

Ирода АБДАЗИМОВА.

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ниҳоят, “Асил” маҳалласи фаолларининг кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди. Улар учун қуриб битказилган маҳалланинг янги биноси фойдаланишга топширилди.





Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Сирожиддин Аҳадов, нуронийлар, маҳалла фаоллари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимизнинг маҳаллага кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлигини алоҳида қайд этишди.

Маҳаллада 2832 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ёшларнинг соғлом улғайиши учун янги бино ёнида замонавий болалар майдончаси ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса маҳалла болалари учун қувончли туҳфа бўлди.

Ж,АМИРОВА.

БОЛАЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

Туманимизда навбатдаги кичик ҳажмли болалар уйи фойдаланишга топширилди.

Бу меҳр маскани етим ва ота-онасининг меҳридан маҳрум бўлган, шунингдек, ногиронлиги бор болалар учун яратилган қулайликлардан бири бўлди.



Унда ҳар бир фарзандни миллий ва инсоний қадриятлар асосида, оилавий муҳитда тарбия топишига кўмаклашилади.

Уйдаги болалар сони ўн нафардан ошмайди, бу эса тарбиячиларга ҳар бир бола учун алоҳида эътибор ва меҳр кўрсатиш имконини беради.

Очилиш маросимида туман ҳокими Эркин Рустамов, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси мутасаддилари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамлар қўйилди, бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди, уларда судларнинг халқчиллиги ва очиқлиги, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш каби чоралар белгиланиб, амалга оширилди.

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРНИНГ ТУЗИЛМАСИ ОПТИМАЛЛАШАДИ

Судлар фаолиятини автоматлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилиш мақсадида ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини мажбурий ижрога электрон шаклда юбориш амалиёти жорий этилди, шунингдек давлат божи ва



бошқа йиғимлар ҳисобини юритишнинг ягона электрон тўлов тизими ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун Интерактив хизматлар портали ишга туширилди.

Маълумки, жорий йилнинг 21 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан судлар фаолиятига “Рақамли суд” концепциясини босқичма-босқич жорий этиб бориш белгиланди. Хусусан, Фармонда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда суд ишларини кўришни соддалаштириш мақсадида судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар шакллантирилиши, мурожаатлар судга электрон шаклда юборилиши, ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмасдан, суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этиши, шунингдек тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилиши, суд харажатлари электрон шаклда ҳисобланиши ва тўланиши, суд ишлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритилиши, сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланиши ҳамда суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилиши кабилар белгиланди.

Фармонда назарда тутилган яна бир муҳим янгилик иқтисодий судлар тизимида ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш назарда тутилгани бўлди.

Айни вақтда иқтисодий судлар туман (шаҳар), туманлараро судлари тарзида фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, 2026 йил 1 январдан бошлаб иқтисодий судларни мақбуллаштириш орқали туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларини тугатиш ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро иқтисодий судлар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди. Бундан кўзланган асосий мақсад ягона суд амалиётига эришиш орқали одил судлов сифатини ошириш ҳисобланади.

Сарвар СОЛИЕВ,
Зангиота туманлараро иқтисодий судининг раиси.

► *Фойдали маслаҳатлар*

ТОМОҚ ОҒРИБ ҚОЛСА



Томоғингиз оғриб қолса саримсоқнинг хом бўлакчаларини чайнанг ёки 15 дақиқа давомида бир парчасини сўринг.

Агар саримсоқни соф ҳолда истеъмол қилиш қийин бўлса, уни майдалаб, зайтун мойи ёки асалга қўшиб истеъмол қилиш ҳам мумкин.

Ёдда тутинг: саримсоқни майдалангандан кейин иложи борича тезроқ истеъмол қилиш керак.

ҚОРА МУРЧ



Қора мурч антибактериал ва антисептик хусусиятларга эга. Агар ошхонада бехосдан қўлингизни кесиб олсангиз, бунда қора мурчдан фойдаланинг.

Қўлингизни совуқ сув ва совун билан ювинг, сўнгра ярага бир оз қалампир сепинг. Шундан сўнг бошқа қўлингиз билан зарарланган жойни босинг. Шунда қон кетиш тўхтайди.

ЖИГАРНИ ТОЗАЛАЙДИ



Ичаклар фаолиятини яхшилаш ва жигарни тозалашга эҳтиёж сезилса, бунда сизга лавлагили кефир ёрдам беради

Уни тайёрлаш учун лавлагини майдалашингиз ва шарбатини ажратиб олишингиз керак. Сўнгра 100 г. лавлаги шарбатини 100 г. кефир билан яхшилаб аралаштиринг. Тайёр массани 2-3 соат қолдиринг ва кечқурун ётишдан олдин ичинг. Бу аралашма ичаклар фаолиятини тезлаштиради ҳамда жигарни тозалайди.

СУТ БИЛАН САРИМСОҚ



Бир стакан сут, икки бўлак саримсоқнинг фойдали хусусиятларини биласизми?

Сутни идишга қуйинг ва оловга қўйинг. Саримсоқни майда тўғранг. Қайнаб чиққан сутга саримсоқ солинг ва идишни оловдан олиб, қопқоғини ёпиб, 10 дақиқа дам беринг.

Ушбу дамламани ҳафтасига бир марта бир стакандан ичиб туриш керак. У қон томирларни тозалайди, гижжалардан халос қилади ва йўтални бартараф этади.

ISTIQBOL

2025-yil 5-sentyabr / Juma / № 35 (6187)

Мен Ўзбекистон ХДП МК аппаратида ишлаган ва пенсияга чиққандан кейин, 25 йил давомида, ўша пайтдаги "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари Бош муҳаррирлари атоқли шоир Азим Суюн, у кишидан кейин давлат ва жамоат арбоби, моҳир журналист Сафар Остоновларнинг таклифига биноан, жамоатчи таржимон сифатида ҳам иш олиб бордим...



Болаларнинг севимли шоири

Бир кун таҳририятда мўйлови ўзига ярашган, ўрта ёшдаги кишини кўриб қолдим. У киши газетанинг маънавият ва маданият бўлимининг янги мудири Нуриллоҳ Остонов экан. "Мен Сизни анча-мунча ҳажвий асарларингизни ўқиганман. Сизни ўзбеклардан чиққан Азиз Несин деб юраман", – дея Нуриллоҳ Остон билан сўрашдим. Шундай қилиб, мен таниқли болалар шоири, ёзувчи, публицист ва ҳажвчи бўлган Нуриллоҳ Остон билан танишиб, дўст бўлиб қолдик. Буларни мен у кишининг табаррук 70 йиллиги арафасида эслаб қолдим…

Нуриллоҳ Остон ўтган ярим асрдан зиёд ижод йиллари давомида болалар учун қатор шеърлар тўпламлари, ҳажвий ҳикоялар чоп эттирган. Кўп йиллардан буён мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ижод қилиб келади. Кўплаб шеърлари ўқув қўлланмалари ва мактаб дарсликлари саҳифаларидан ўрин олган...

Нуриллоҳ Остонов ўтган йиллар давомида Самарқанд вилоят партия қўмитасида матбуот секторининг мудири, Ўзбекистон телевидениесининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири, "Самарқанд" газетасининг Бош муҳаррири, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги,Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида, "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририятида фаолият юритди. Айни пайтда "Халқ сўзи"газетаси таҳририятида бўлим мудири сифатида фаолият юритмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Нуриллоҳ Остоннинг болалар учун "Юлдузлар чақнаган тун", "Йўлдаги булоқ", "Юрагимнинг безовта гули", "Баҳор рақси", "Қадим йўлларда", "Осмон тўла фаришта", "Фасли кўклам", "Тонгга пешвоз чиқайлик", "Қўрқмас улоқча", "Чучмомага хат", "Соғлом болалар", "Ой чўмилар чайлада" сингари шеърий тўпламлари чоп этилган

Нуриллоҳ Остон жаҳон болалар шеърияти туркумидан дунёнинг машҳур болалар шоирлари – Майкл Розен, Агния Барто, Корней Чуковский, Яков Аким, Борис Заходер, Екатерина Серова, Ян Бжехва, Альфредо Валлини, Онил Кандислал, Роберт Луис Стивенсон, Овсей Дриз, Генри Лонгфелло, Леннарт Хельсинг, Хальфдан Расмуссен, Шэл Сильверстейн, Огден Нэш, Уолтер Де Ла Мар ва бошқаларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Шу билан бирга, Нуриллоҳ Остон юнон шоири Лафонтен, рус шоирлари Сергей Михалков, Иван Крилов масалларини, англиялик машҳур болалар шоири Майкл Розеннинг "Кетдик айиқ овлашга" сарлавҳали шеърини таржима қилиб, китоб ҳолида нашр қилдирган.

Нуруллоҳ Остон "Султон Жалолиддин. Шайх Кубро" тарихий достонни ёзиб, нашрга тайёрлади. Асар болаларда келажакка умид ва ишонч уйғотади, уларни тарих зарварақларидан хабардор қилади, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялайди.

Нуруллоҳ Остон болалар шеъриятида сўз ўйинига, буюмлар билан мулоқотга алоҳида эътибор қаратади. Бу шеърлар тасаввурга эрк беради, бола онгини маънавий бойитишга, фикрлашга, ўзини кучли ҳис қилишига, улғайишига хизмат қилади. У фақатгина ўйинчоқлар, табиат, одамлар дунёсини очиш билан чекланиб қолмайди, уларнинг митти қалбига ўз шеърлари орқали ахлоқий ғояларни сингдиради.

Н.Остон ижодида "Ҳур ватан" номли тўплами алоҳида ўрин тутади. Чунки Ватан қисмати бутун бошли халқ қисмати, шоир ана шу қисмат залворини ҳар бир сўзда ҳис қилади.

"Мени ҳеч ким тан олмай юрганида, –дейди Нуриллоҳ Остон, –болалар шоири Турсунбой Адашбоев "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси орқали менга мақола ёзиб, қаердалигимни суриштирган. Кейин билсам, у киши менинг болалар учун ёзган шеърларимни тўплаб, "Шарқ" нашриётига китоб қилиб чиқаришга берган экан. Турсунбой аканинг қўллови билан 2007 йил "Шарқ" нашриётида менинг "Тонгга пешвоз чиқайлик", "Қўрқмас улоқча" тўпламларим босилиб чиқди. Менинг бундан ҳатто хабарим ҳам бўлмаган. Шундан кейин Турсунбой Адашбоев билан устоз-шогирд бўлдик.

Менинг маънавий устозим эса Ҳаким Назир деб ҳисоблайман. Сабаби, 1991 йилда Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинаётганимда уюшма раиси Одил Ёқубов комиссия аъзоларига қараб: Қани, кимда Нуриллоҳ Остоновга савол бор? деб сўраганида Ҳаким Назир ўрнидан туриб шундай деган: "Мен бу болани танимайман, биринчи кўришим. Лекин исм-фамилиясини айтишганидан кейин эсимга келди: унинг болалар учун ёзган шеърларини ўқиганман, менга жуда маъқул бўлган", деди. Шундан кейин мени Ёзувчилар уюшмасига қабул қилишган. Лекин мен ҳам ўшанда Ҳаким Назирни биринчи марта кўрганман, илгари танимаганман. Шунақа гаплар".

Юбиляр билан суҳбатлашар эканмиз, у киши қишлоқ хўжалик дарғаларидан бири, Меҳнат Қаҳрамони раҳматли Раҳматилла Қамбаровнинг шогирди Тожихон Мелибоевани алоҳида ҳурмат билан эслайди...

Н.Остонов ўтган асрнинг 80-йилларида уйи йўқлигидан бола-чақаси билан ижарама-ижара кўчиб юришга мажбур эди. Турмуш ўртоғи Зангиота туманидаги "Партия XXI съезди" совхозига қарашли боғчада меҳнат қиларди. Ўша пайтда унинг номига қарор асосида совхоз директори Тожихон Мелибоева томонидан "Гўзал" маҳалласидан уй қуриш учун 0,6 га ер майдони ажратиб берилди. Н.Остонов 1985 йилда ҳашар йўли билан пахсадан икки хонали, битта айвондан иборат уй тиклаган экан...

Нуриллоҳ Остонни табаррук 70 ёши билан қутлаб, ижодий парвозлар тилаб қоламан.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

"Тоза ҳаво" ойлиги тадбири ўтказилди

Атмосфера ҳавосини транспорт воситаларидан чиқаётган ташламалар ҳам зараралаши ҳеч кимга сир эмас. Бу ташламаларнинг зарарини камайтириш учун эса ҳар бир транспорт эгаси автомашиналарининг доимо соз бўлишини таъминлаши керак бўлади. Хўш, бунга барча ҳайдовчилар ҳам бирдек масъулият билан ёндашмоқдами?



Вилоят Экология бошқармаси Зангиота тумани бўлими ҳамда вилоят Ички Ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда "Тоза ҳаво" ойлиги тадбири ўтказилди.

"Қуёшли" маҳалласи ҳудудида жойлашган назорат постида вилоят ИИББ ЙПХ ходимлари билан автомобиль воситалари ҳаракатланиш жараёнида ҳосил бўладиган атмосфера ҳавосига чиқадиган ташламалар юзасидан бўлиб ўтган тадбирда автомашиналар текширувдан ўтказилиб, ҳайдовчиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Мазкур тадбир давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

► *Билиб қўйган яхши*

ХОТИРАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бизнинг хотирамиз чекланмаган ҳажмдаги маълумотларни сақлаб қолиш имкониятига эга. Биз қанча кўп машқ қилсак, хотирамиз шунча кучайиб боради.

Санаш – хотирани кучайтириш учун яхши машқ. Бу самарали усул бўлиб, 1 дан 20 гача ёки 20 дан 1 гача бўлган сонларни параллель равишда санаш керак. Масалан: 1, 20, 2, 19, 3, 18 ва ҳоказо.

Хотирани яхшилаш учун фойдали усуллардан бири қўл машқини бажаришдир. Чапақай инсонлар учун ўнг қўлни, ўнақайлар учун эса чап қўлни кўпроқ ишлатиш талаб этилади. Бундай машқ билан миянинг ишлаши кучаяди.

Узум шарбати – агар овқатланиш рационимизга узум шарбатини қўшсак, хотирамиз фаолияти 20 фоизга яхшиланади. Фақатгина бу қора узум бўлиши керак. Бу шарбат таркибида мия ҳужайраларини ёшартирувчи жуда кўп антиоксидантлар бор.

Муҳаммадшариф Сўфизода 1880 йил 29 январда Чуст шаҳрида туғилган. Отаси Эгамберди Сўфи пичоқчилик билан шуғулланган. Онаси Зайнаб хола хоҳишига кўра, қўшниси Манзура отиндан хат-савод ўрганиб, сўнг эса маҳалласидаги эски мактабда таълим олади. Тошкентда чиқадиган "Туркистон вилоятининг газети" каби Қозон, Оренбург ва Боғчасаройда чиқадиган нашрларни ҳамда Боку ва Тифлисда чоп этилган озар тилидаги асарларни мутолаа қилган.



МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА (1880 ЙИЛ-1937 ЙИЛ)

Дунё кезган шоир

1893–1899 йилларда у Қўқонда яшаб Муқимий, Фурқат таъсирида "Ваҳший" тахаллуси билан ҳажвий асарлар яратди. Унинг айниқса, "Дакананг", "Бедананг", "Айтинг бу сўзимни", "Ўпай", "Ғубор дарду олам" каби ҳажвий ва лирик ғазаллари эътиборга лойиқ. 1899 йили Қўқондан Чустга қайтиб келади. Орадан икки йил ўтгач, уни амалдорлар даҳрийликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарадилар.

Сўфизода Чустдан қочиб, Мир вилоятига ташриф қилиб, 14 йил турли юртларда яшайди. Худди шу йиллар (1900 – 1914) Сўфизода ижодининг янги босқичини ташкил қилади. У Аввал Бокуга бориб, Жалил Қулизода, Собир Тоҳирзода, Муҳаммад Ҳодий каби озарбойжон адабиётининг тараққийпарвар вакиллари билан танишади. Сўнг Арабистон, Ҳиндистон ва Туркия мамлакатларида бўлиб, оддий халқ ҳаётини кўради. 1910-1913 йилларда Қўнғиротда муаллимлик қилади, маърифатпарварлик руҳидаги шеърларини ёзиб, Боку ва Оренбургда чиқадиган газета ва журналларда тез-тез кўрина бошлайди. Унинг шу йилларда яратган шеърлари орасида айниқса, "Ўзбек хонимига", "Хонимлар исминда", "Ватан", "Муслималар" асарлари диққатга сазовордир.

1913 йили Чустга қайтиб келиб, мактаб очади ва унда муаллимлик қилади. Мактабида она тили, жуғрофия, ҳандаса (геометрия) каби фанлар ўқитилган. Бу мактабдан ташқари, Камарсадада ҳам у етим болалар учун "Дорул-айтом" (Етимлар уйи) ва катталар учун кечки курслар очади. Лекин бу мактаблар тезда ёпиб қўйилади. У эса 1915 йили яна хорижий мамлакатларга кетишга мажбур бўлади. Бир муддат Ҳиндистонда бўлади, ўқитувчилик қилади, бу ерда ҳам инглиз полицияси билан тўқнашади. Натижада у ердан кетиб, Афғонистонга ўтади.

Афғонистонда каллапазга шогирд тушади, карвонсаройларда яшаб, кун кечиради. Нима бўладию, афғон газети "Сирожул – ахбор" ("Хабарлар зиёси")да илм-ирфон ҳақидаги 3 – 4 форсий шеъри босилиб, афғон амири Ҳабибуллоҳоннинг назарига тушади. Ҳабибуллоҳон уни қабул қилиб, мактаб очишга рухсат беради. Унинг ўғли Омонуллоҳон тахтга ўтиргач, Сўфизода маориф вазирлигига ишга олинади.

1919 йили Афғонистон делегацияси таркибида ўз юртига келади. Афғон давлат арбоблари қаторида ўлкага келган шоир афғон ҳукуматининг Тошкентдаги вакили ҳузурига кириб: "Ўз юртимизда яшашга имконият бўлмаган чоғларда ва оғир кунларимизда юртингизда ишлашга имкон бердиларингиз. Бунга ташаккур изҳор этаман... Буни арз этмак бирла омонатларингизни топшираман", – деб мурожаат қилади ва ўз юртида қолади.

Унинг Оренбургда чиқиб турган машҳур "Шўро" журналида чоп этилган "Хоним, суюкли сочинг вор, на суд нишонаси йўқ" (1911 йил, 10-сон), "Хонимлар исминда" (1911 йил, 13-сон) шеърлари бунга далил. Унинг бир шеъри эса, тўғридан-тўғри "Ўқинг, оналар!" деб номланган эди.

Сўфизода бу даврда ҳам катта истеъдод сифатида замондошлари томонидан эътироф этилди. Ҳатто расмий матбуот, масалан, "Муштум" журнали 1925 йилда унинг бир шеърини эълон қилар экан, муаллифини "халқ шоири" деб таништиради. Ҳолбуки, бундай унвон ҳали Республикада йўқ эди. У бу воқеадан роппа-роса бир йилу бир ой кейин, 1926 йил 27 февралда таъсис этилиб, биринчи нишон эгаси Сўфизода бўлгани маълум. "Фарғона" газетаси эса, 1925 йил 13 август сонида Сўфизодани "Кулдиргувчи хушчақчақ шоирларимизнинг энг ўткири" деб таништиради.

"Муштум" журналининг 1925 йил 2-сонида босилган "Хуржун" шеъри Туркистон ҳаётида яхшиланиш томон ҳеч бир ўзгариш ясамаган, аксинча, буюк давлатчилик ақидасидан зарра чекинмаган советлардан узоқ эканлигини далиллайди. Бу – шўролар ҳукуматининг 7 йиллик фаолиятига, Туркистоннинг 7 йиллик тарихига берилган баҳо. 1925 йил 13 августда "Фарғона" газетасида "Хушчақчақ қаламлар" сарлавҳаси остида унинг бир қатор ҳажвий шеърлари чоп этилади. Унинг "Ҳақиқатдан кўз юмганлар", "Қалайсизлар?, "Сайловга" каби шеърларида ўша суронли йиллар нафаси эшитилади. 1934 йили эса Сўфизода "Байрам нашидалари" номли достонини ёзган.

Ғайратий муҳаррирлигида нашрга тайёрланган сайланма шеърлари шоирнинг 1937 йили қамоққа олиниши муносабати билан эълон қилинмай қолган ва куйдириб юборилган. Унинг "Тарона" сарлавҳали ягона шеърлар тўплами 1968 йили нашр этилган. Ватанимиз мустақилликка эришгач, Муҳаммадшариф Сўфизоданинг асарлари "Танланган асарлар", "Истиқлол қаҳрамонлари" рукни остида "Маънавият" нашриёти томонидан 1999 йил нашр қилинди.

Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғидаги 1919 йили Сўфизода томонидан очилган 33-ўрта мактаб унинг номи билан аталади.

Сўфизода 1937 йили "халқ душмани" сифатида отиб ташланади.

jadidlar.uz
сайтидан олинди

► *Истеъмолчи*

ЧИННИ ИДИШ БОШҚА ЭКАН

Қашқадарё вилоятида яшовчи истеъмолчи М.У "Хўжалик моллари ва ҳунармандлар савдо комплекси"даги дўконларнинг биридан идишлар тўпламини онлайн харид қилган.

Унга ўзи танлаган чинни идишни эмас, бошқа идишни юборишади. Бундан норози бўлган истеъмолчи 1091 ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, ўз мурожаатини қолдиради. Бу мурожаат мутахассислар томонидан ўрганилди ва натижада истеъмолчига ўзи танлаган мақбул сифатли товар етказиб берилди.

Аваз ХОЛМАТОВ,
туман Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

► *Тақвим*

Халқимизнинг "Асадда оралаб е, сунбулада саралаб", деган нақли бежиз айтилмаган. 22 августдан кирган ва 21 сентябргача давом этадиган сунбула қуёшнинг ёзги жазирамасидан кейин одамнинг танига ҳузур бахш этади. Дарҳақиқат, кузнинг биринчи куниданоқ ҳаво ҳарорати пайсайганлиги сезилди. Айниқса, тунлари анча салқин бўлиб қолди. Энди буёғи ёғиргарчилик мавсуми... Унинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Табиатга синчиклаб боқинг. У сизни мафтун этмай қўймайди.



АСАДДА ОРАЛАБ Е, СУНБУЛАДА САРАЛАБ

Сунбулада ариқ, жилға ва дарё сувлари тиниқлашиб, совийди. Доно халқимиз айтганидек, "сунбулада сув совийди, мезонда – кун". Ҳосилни узоқ ва сифатли сақламоқчи бўлган деҳқонлар экинини сунбула сувига қондиришга интиладилар.

Шу кунларда узумлар тановул қилсангиз, бай-бай, асалми дейсиз. Бол билан беллашаман, деб турган қовунларни айтмайсизми?!

Табиатнинг гўзаллигига маҳлиё бўлганча 23 сентябрга етиб келганингизни ҳам сезмай қоласиз. Шу куни ернинг шимолий ярим шарида астрономик куз, жанубда эса баҳор келди. Бу кунни астрономлар "кузги тенгкунлик", дея аташади. Айнан шу кунда эклиптика бўйлаб ҳаракатланувчи қуёш осмон экватори билан кесишади ва шимолий яримшардан жанубий яримшарга ўтади. Кузги тенглик кунида Қуёш тўлиқ шарқдан кўтарилади ва шу ҳолатда ғарбда ботиши аниқланган, яъни уфқда 12 соат ва уфқ остида 12 соат, яъни кун тунга тенг бўлади.

Ж.АМИРОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 5-sentyabr / Juma / № 35 (6187)

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Халқ шоири

Қанча шонинг бўлса – ватанни кўтар!

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
Ёзганда кўксимга тиғ уриб ёздим.
Дардларимга сиёҳ кор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздим.

Қон асли ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса – Ватан учун тўк,
Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар!



▶ *Эҳ, одамлар...*

ҚИММАТГА ТУШГАН ТИЛЛА УЗУК, ЗИРАК

Кўча эшигининг тарақлаб очилганлиги ҳовлидаги каравотда ёнбошлаганча хаёл суриб ётган Алим акани чўчитиб юборди.

– Чарчадим, иссиқдан бўғилиб кетдим-э, – деди эшикдан ҳансираб кириб келган Лола опа икки қўлидаги оғир юкларни каравотга қўйиб, бошидаги рўмолини ечаркан, – бозорга бутун шаҳар кўчиб чиққанми дейман, одамлар кўплигидан оёқ қўйишга жой йўқ, оладиган нарсаларимни аранг топдим.



– Ҳамма нарсангни олиб бўлдингми, қутулдимми энди? – деди Алим ака ётган жойидан қўзғаларкан.

– Бўлдим, фақат... биласизми дадаси, ҳозир туғилган чақалоққа тилла зирак, онасига узук-зирак, қудасига узук олиб бериш урфга кирган...

– Бу билан нима демоқчисан, ҳарҳолда олиб беринг демассан...

– Олиб берасиз-да, қирқига чидаган одам қирқ бирига чидамайдими? Ҳамма шундай қилаяпти ахир, қуруқ қўл билан шўппайиб борсам қуданинг олдида ким деган одам бўламан.

Алим аканинг бошидан капалаги учиб кетди.

– Қиз узатиб ҳам қутулмадим, – деди у норози оҳангда терлаб кетган пешонасини ўнг қўлининг кафти билан артаркан. – Ўтган йили қизимиз ўғиллик бўлганида туғуруқхонадан чиққанида бешик тўйи билан бирга ўғил тўйи ҳам бирга ўтаркан, деб магазинни кўчириб боргандинг. Ўшанда олган қарзларимдан энди қутулгандим, бу йил қизлик бўлгач яна харажат. Нима, менинг пул заводим борми? Бўлди-да янди, орзу-ҳавас бир марта бўлар, икки марта бўлар, бир умр чираниб яшашимиз керакми? Буёқда яқинда қарз-ҳавола қилиб ўғлингнинг ўқишининг контракт пулини тўлаган бўлсам. Камига яна қовурдоғинг чиқди. Майли деб банкдан кредит олдим. Қўлимга пул тушди деб орқа-олдингга қарамай сарфладинг. Олган нарсаларинг бир уй бўлди. Шу керакмиди ўзи? Энди камига яна тиллага пул топинг деб турибсан.

Лола опа эрининг дийдиёларини бошқа эшитмаслик учун шартта ўрнидан туриб уйга кириб кетди.

Ахир қувурдоқ қовурдоқдек бўлиши керак-да. Лола опа барибир эрига айтганини қилдирди. Алим ака яна танишбилишларидан қарз кўтарди.

Қизининг туғуруқхонадан чиқишига қовурдоқ олиб борган Лола опа уйига кечга томон оғзи қулоғида бўлиб қайтди. Эшикни очган Алим акага оғзини кўпиртириб мақтана кетди:

– Олиб борган нарсаларимга ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолди. Кимларнингдир ичи ҳасаддан ёниб кетган бўлса ҳам керак. Яхши обрў олиб бердингиз-да, дадаси, қуда-андалар олдида юзим ёруғ бўлди, барака топинг.

Алим ака индамасдан ҳовлидаги каравотга бориб ўтирди. Қуданикидан қайтган тоғораларни у билан бирга келганлар ошхонага ташишди. Бирпасда шом тушиб, атроф қоронғилашди. Уйга кирган Лола опа қараса ток йўқ.

– Дадаси, нима маҳаллада ток ўчганми?

– Маҳаллада эмас, бизникида ўчган. Пули тугабди.

– Тўлаб юбормадингизми?

– Битим билан тўлайманми, – Алим аканинг жаҳли чиқиб кетди. – Чўнтагимдагини бир чақа ҳам қолдирмасдан қоқиб олган бўлсанг. Энди қоронғи уйда ўтиравер. Маош олишимга ҳали анча бор. Лекин ундан ҳам умид қилма, қарзларимга тўлайман. Ҳа, айтмоқчи, газ ҳам йўқ, унинг ҳам пули тугаб қолибди.

Жамила АРСЛОНОВА.

▶ *Ҳаёт сабоқлари*

ЎЗИНГИЗНИ ТАФТИШ ҚИЛИНГ



Ҳаётда сизни хафа қилувчилар кўпайса, демак, кечиришни унутибсиз. Кечирувчан, раҳмдил бўлинг, шунда хафа қилувчилар камайганини кўрасиз.

Йиққан молу давлатингиз қўлдан кетдими, демак, қалб бойлиги тўплашни унутибсиз. Энди қалб бойлигига эришиш йўлида сабр йиғиш вақти келди.

Бошингиз қарздан чиқмай қолдими, демак, шукурни унутибсиз ёки Яратганнинг амрига хилоф иш қилибсиз. Атрофингизда сиздан хафа бўлувчилар кўпайса, билинг, дилозор ва такаббур бўлиб қолибсиз. Ақл-ҳушингизни йиғиб олинг, кибр-ҳавони йиғиштириб, дилларга меҳр улашинг, ана шундагина ҳаётингиз ўзгаради. Фарзандингиз қайсарлик, ўзбошимчалик қила бошласа, билинг, ўзингиз шундайсиз. Ўзингизни ўнгланг, чунки фарзанд ота-она учун кўзгудир.

Лавозимингиз ошдими, билинг, атрофингизда лаганбардорлар кўпаяди. Эътиборли бўлинг, бундай ёлғон “дўст”ларни чин дўстларингиз билан алмаштириб қўйманг!



“Қалбга таскин битиклар” китобидан.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir o‘rinbosari
Jamila ARSLONOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Iroda ABDAZIMOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-914.

ISSN 2181-61820